



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIY TARAQQIYOT VA KAMBAG'ALLIKNI
QISQARTIRISH VAZIRLIGI

RESPUBLIKA IQTISODIYOTIDAGI 9 OYLIK NATIJALAR,
JORIY YILNING IV CHORAGI VA 2021 YIL UCHUN KUTILMALAR
HAMDA ULARGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR TO'G'RI SID A
TAHLIL IY MA'LUMOT

Toshkent
2020 yil

Мундарижа

Кириш.....	3
I. 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида иқтисодий ҳолат.....	5
II. 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларидаги иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашга хизмат қилган омиллар таҳлили.....	9
III. Ташқи иқтисодий фаолият.....	11
IV. 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ва 2021 йилда кутилаётган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва уларга таъсир этувчи омиллар	12

Кириш

Жаҳон иқтисодиёти ва унинг келажаги билан боғлиқ ноаниқликлар сақланиб қолаётганлигига қарамасдан, коронавирус пандемияси шароити ва унинг давом этиши ҳамда ушбу вазиятнинг дунё мамлакатлари иқтисодиётларига жорий ва амалдаги таъсир кўрсатиши мумкин бўлган оқибатлари бўйича кутилма ва прогнозларга аниқлик киритиб борилмоқда.

Пандемиянинг дастлабки босқичларида унинг қанча муддатга давом этиши билан боғлиқ турли тахминларга асосланган иқтисодий тикланишларнинг мос сценарийлари кўпроқ таҳлил қилинган эди.

Хусусан:

V шаклидаги, яъни қисқа муддатли иқтисодий инқироз ёки қисқаришдан сўнг иқтисодий фаолликнинг тез суръатларда қайтатикланиши;

U иқтисодий секинлашув ёки қисқаришнинг маълум бир муддат давом этиб туришидан сўнг нисбатан юқориқ суръатлар билан тикланиши;

L иқтисодий қисқариш рўй берганидан сўнг нисбатан узоқроқ вақт давомида иқтисодий танглик ҳолатининг сақлаб қолиниши ҳамда иқтисодий тикланишнинг жуда секин суръатлар билан рўй бериши каби асосий сценарийлар дастлабки прогнозларда муҳокама қилинган эди.

Сўнгги олти ойдан ортиқ даврда коронавирусга қарши кураш бўйича жаҳонда ва мамлакатимизда орттирилган тажриба ушбу пандемиянинг 2021 йилда ҳам давом этиши эҳтимолининг ўсиб бораётганини кўрсатмоқда. Шунингдек, коронавирусга қарши курашиш бўйича соғлиқни сақлаш тизимида амалиёт ва тажрибанинг яхшиланиб бориши, вирус тарқалишини олдини олиш бўйича кўрилаётган чораларга инсонларнинг мослашиб бориши пандемия шароитида эҳтиёткорлик билан ва босқичма-босқич (айрим мамлактларда манзилли ва “нуқтали” чораларни кўришга бўйича чораларнинг қайта кўрилишига қарамасдан) иқтисодий фаолликни тиклаш ва халқаро чегараларни очишга шароит шаклланиб бормоқда.

Хусусан, Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ)нинг жорий йил октябрь ойидаги янгиланган прогнозларига кўра жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари бўйича 2020 йил учун прогнози аввалги кўрсаткич (-5,2 фоиз)га нисбатан яхшиланиб – 4,4 фоизни ташкил

этноқда. 2020 йил учун прогноз кўрсаткичлари 0,8 фоизга яхшиланишига қарамай, 2021 йил учун прогноз глобал иқтисодий ўсиш суръатларидастлабки 5,4 фоиздан 5,2 фоизга қайта кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, ХВЖнинг асосий прогноз сценарийсига кўра коронавирус пандемиясига қарши курашишга қаратилган чекловлар 2021 йил давомида сақланиб қолса-да, даволаш терапияларининг яхшиланиши ва вакцинация қамровининг кенгайиши билан юмшабборади ҳамда 2022 йил охирига қадар пандемиянинг ўткир босқичиякунига етиши кутилмоқда.

Халқаро молиявий институтларнинг, жумладан, **Жаҳон Банки (ЖБ)** Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатларини 2020 йилда **0,6 фоиз**, 2021 йилда эса **6,0 фоиз** даражасида, **ХВЖ** эса 2020 йилда **0,7 фоизга** ва 2021 йилда **5% фоизга** ўсишини прогноз қилмоқда.



Жорий йилнинг ўтган даври мамлакатимиз иқтисодиёти учун унинг ташқи ва ички мураккаб иқтисодий шароитларга чидамлилиги ҳамда макроиқтисодий сиёсат инструментларини самарали ишлатиш борасида маълум маънода синов даври бўлди. Ўз вақтида кўрилган чоралар, хусусан, тиббиёт тизимини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоя чораларини кучайтириш ҳамда мослашувчан фискал ва монетар сиёсатнинг юритилиши коронавирус пандемиясининг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини юмшатиш имконини берди. Бу эса, ўз навбатида чуқур иқтисодий инқирознинг олдини олиш ва ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолишни таъминлади.

Ҳисоб-китобларга кўра, **2020 йил якуни бўйича иқтисодий ўсиш суръатлари 1-1,5 фоиз доирасида бўлиши кутилиб, 2021 йилда 5,1 фоиз даражасида бўлиши прогноз килинмоқда.**

Ушбу таҳлилий маълумот жорий йилнинг 9 ойи даврида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳамда жорий йил IV чораги ва 2021 йил учун кутилмалар ва уларга таъсир этиши мумкин бўлган омиллар

хамда ушбу прогноз кўрсаткичларига эришиш учун амалга ошириладиган чора-тадбирларни ўз ичига олади.

I. 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида иқтисодий ҳолат

Дастлабки маълумотларга асосан, **2020 йил январь-сентябрь ойларида** Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда **408,3 трлн. сўмни** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан реал ўсиш суръати **0,4 фоизни** ташкил этди.

Мазкур ижобий ўсиш, асосан, қишлоқ хўжалиги соҳасининг **3,4 фоизга**, қурилиш ишлари ҳажмининг **8,6 фоизга ўсиши ҳисобига** таъминланди. Бироқ, ҳисобот даврида саноат соҳасида **-2,7 фоиз** ва хизматлар соҳасида **-0,7 фоизга қисқариш** кузатилди.

Жорий йил давомидаги иқтисодиёт тармоқлари динамикаси қуйидаги тенденция ва кутилмаларни кўрсатмоқда.


1.1. Саноат соҳаси

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида саноат маҳсулотлари реал ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2,7 фоизга** қисқариши кузатилди. Мазкур салбий кўрсаткич коронавирус пандемияси ҳамда унга қарши курашишга қаратилган апрель ва июль-август ойларидаги карантин чекловлари натижасида юзага келди.

Сентябрь ойининг ўзида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш реал ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 20 фоизга ошиб, 33,1 трлн. сўмни ташкил қилди.

Маълумот учун: Сентябрь ойининг ўзида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан Россияда 5 фоизга, Қозоғистонда 3,5 фоизга пасайган.


Саноат тармоқлари кесимида қайта ишлаш саноати ҳисобот даврида **2,7 фоизга ўсди** (умумий саноатда **82 фоизни ташкил этади**). Ушбу ижобий ўсиш асосан сентябрь ойи давомида ўтган йилнинг мос ойига нисбатан **31,3 фоизга** кўпайиши ҳис



Жумладан, озиқ-овқат саноатида ўсиш суръати 8 ой якунидаги 99,7фоиздан, 9 ой якуни бўйича 105,5 фоизга, қурилиш материаллари 98,4фоиздан 106,3 фоизга, кимё маҳсулотлари 100,8 фоиздан 102,7фоизга, автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш 102,4 фоиздан105,1 фоизга ва металлургия саноати 101,4 фоиздан 103,7 фоизгаўсди.

Дастлабки маълумотларга кўра, биргина сентябрда август ойиганисбатан йирик корхоналар томонидан қатор товарларнинг ишлабчиқаришида сезиларли ўсиш кузатилди. Хусусан, дизель ёқилғиси(44,4 фоизга), газ конденсати (32,7 фоизга), суюлтирилган газ (8,7фоизга), карбамид (17,1 фоизга), енгил ихтисослаштирилганавтомобиллар (15,5 фоизга), пахта матолари (28,9 фоизга), трикотажёки тўқилган устки кийимлар (25,7 фоизга)ва бошқа маҳсулотларишлаб чиқариш ҳажмлари ошган.

Бироқ, ҳанузга қадар ташқи талабнинг, айниқса табиий газ экспортитикланмаганлиги натижасида, нефть ва табиий газ қазиб олишнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 32 фоизгача пасайиши ва бу, ўз навбатида, тоғ-кон саноатида ишлаб чиқариш ҳажми кескин пасайишининг юқорилигича қолишига сабаб бўлмоқда.



Жорий йилнинг сентябрь ойидаги саноат соҳасидаги эришилган натижалар йил якунига қадар саноат соҳасида ҳам ижобий суръатларни сақлаб қолиш захиралари ва имкониятлари борлигини кўрсатмоқда.

1.2. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳаси

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида соҳада ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши **103,4 фоизни** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичга нисбатан **1,2 фоиз бандга тезлашди**.

Жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари ўсиш суръатлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2 фоиз бандга тезлашиб, жорий йилда **104,3 фоизни**, балиқ хўжалигида эса 6,8 фоиз бандга тезлашиб **112 фоизни** ташкил этган бўлса, чорвачилик маҳсулотлари **-0,3 фоиз** бандга секинлашиб, **ўсиш 102,3 фоизни** ташкил этди.

Мазкур даврда республикамизнинг Бухоро ва Сирдарё вилоятларида рўй берган табиий ва техноген офатлар қишлоқ хўжалиги соҳасига салбий таъсир кўрсатган бўлишига қарамасдан,

уларнинг салбий таъсирини бартараф этиш бўйича ўз вақтида кўрилган тадбирлар ҳисобига соҳада ижобий ўсиш суръатлари таъминланди.

Бунда, асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4700-сон Қарори билан фойдаланишдан чиқиб кетган ва ер ости сувлари заҳираси мавжуд бўлган ерларни фойдаланишга киритиш, уларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун аҳолига имтиёзли шартлар асосида ажратиб бериш тартибини жорий қилиниши деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришнинг ўсишига туртки бўлди.

Хусусан, сабзавот маҳсулотлари етиштириш ўтган йилга нисбатан қарийб 200 минг тоннага кўп бўлиб, ҳисобот даврида 7,6 млн. тоннани ёки ўсиш 2,7 фоизни, полиэ маҳсулотлари 1,4 млн. тоннани ёки ўсиш 104,2 фоизни, мева ва резаворлар етиштириш 2,1 млн. тоннани ташкил этиб, ўсиш 103,9 фоизни ташкил этганлиги кузатилди.

Шу билан бирга, республикада чорвачиликда озуқа заҳираси, наслчилик ва маҳсулдорлик билан боғлиқ муаммоларнинг сақланиб қолиши ҳисобот даврида тирик вазнда гўшт етиштириш ҳажмини **ўсиш суръати** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан -0,5 фоизга секинлашиб, **102,2 фоизни**, тухум етиштириш эса -3,6 фоизга секинлашиб, **100,8 фоизни** ташкил этишига олиб келди.

1.3.Хизмат кўрсатиш соаси

2020 йилнинг август ойида карантин чораларининг бироз юмшатилиши ортидан пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши кузатилиб, 9 ой якуни билан кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 157,1 трлн. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 1,8 фоизни ташкил этди.

Хизматлар ҳажмини ўсиши, асосан, алоқа ва ахборотлаштириш (16,4 фоизга) ҳамда молиявий (30,4 фоизга) хизматларни юқори ўсиши суръатлари эвазига эришилди.

Фақат **сентябрь ойининг ўзида 22,1 трлн. сўмлик** пуллик хизматлар кўрсатилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,7 фоизга ўсиши таъминланди. Бу эса январь-сентябрь ойларидаги ушбу

кўрсаткичларнинг ижобий ўзгаришига сабаб бўлди (ёки сентябрь ойида август ойига нисбатан 3,6 трлн. сўмга кўп хизматлар кўрсатилди).

Шу билан бирга, мазкур ҳисобот даврида карантин чекловлари таъсири натижасида бир қатор хизмат соҳаларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан хизмат кўрсатиш ҳажмлари кескин пасайиб кетиши кузатилди. Жумладан, умумий овқатланиш **16,6 фоизга**, кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар **7,6 фоизга**, ижара хизматлари **5,3 фоизга** ва аҳолига маиший ва шахсий хизматлар **8 фоизга** пасайди.

II. 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларидаги иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашга хизмат қилган омиллар таҳлили

2.1. Аҳоли даромадлари

Пандемия шароитида иқтисодиёт субъектлари фаолиятидаги узилишлар ва иқтисодий фаолликнинг секинлашиши ҳисобига жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳолининг реал умумий даромадлари 0,3 фоизга пасайди.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида бюджетдан молиялаштириладиган иш ҳақи ва бошқа бирламчи харажатларни, шунингдек нафақа ва ижтимоий тўловларнинг муддатидан кечиктирмай тўлаб борилиши аҳолининг реал умумий даромадларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Бу эса, ўз навбатида иқтисодиётдаги ички талабни кескин пасайиб кетмаслигида муҳим омил сифатида хизмат қилди.

2.2. Кредитлар

Пандемия шароитида ишлаб чиқариш субъектлари фаоллигини сақлаб қолиш ва ялпи ички талабни рағбатлантириш мақсадида, уларни молиявий ресурслар билан қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилди. Бунда, халқаро тажрибага мувофиқ комплекс монетар чоралар амалга оширилди.


Хусусан, асосий фоиз ставкасини 16 фоиздан 14 фоизгача босқичма-босқич туширилиши, банкларни қўшимча ликвидлик билан таъминлаш мақсадида репо операцияларини амалга оширилиши ҳамда мажбурий захиралар бўйича нормаларнинг пасайтирилиши ва олинган кредитлар бўйича тўлов муддатлари узайтирилиши иқтисодиётдаги фаолликни кескин қисқаришини олдини олишга имкон яратди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида иқтисодиётга йўналтирилган кредитлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **26,6** фоизга ошди.

2.3. Давлат бюджети

Дастлабки маълумотларга асосан, 2020 йил январь-сентябрь ойларида Давлат бюджет даромадлари **94,4 трлн. сўмни** ва харажатлари **102,1 трлн. сўмни** ташкил этди. Натижада, **7,7 трлн. сўмлик** тақчиллик кузатилиб, ЯИМга нисбатан **1,9** фоиз ниташкил этди. Жорий мураккаб ҳолат бутун дунёда каби Ўзбекистонда ҳам фискал харажатларини кескин ошишига олиб келди. Жумладан, ишлаб чиқаришдаги узилишларни бартараф этиш, иқтисодий фаолликни тиклаш, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш вазифаларини сақлаш объектлари ва инфратузилмасини яхшилашга молиявий маблағлар йўналтирилиши амалга оширилди. Бу эса, ўз навбатида, Давлат бюджетини ижтимоий харажатларнинг ўсиш суръатларида намоён бўлди. Ижтимоий соҳага сарфланган харажатлар **53,7 трлн. сўм** ниташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **16,8** фоизга ўсди. Жами бюджет харажатларининг қарийб **52,5** фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилди. **Январь-сентябрь ойларида Давлат бюджети харажатлари таркиби (жамига нисбатан, %)**

ХВЖнинг жорий йилнинг октябрь ойидаги Глобал молиявий барқарорлик ҳисоботида (Global Financial Sustainability Report) қайд этилишича, ривожланган иқтисодиётларнинг бюджет (фискал) дефицити 2020 йилнинг охирига келиб ўтган йилга нисбатан **4 баробарга** ошиши кутилмоқда. Молиялаштириш манбаларининг чекланганлиги сабабли, ривожланаётган мамлакатларнинг фискал дефицити нисбатан камтарона суръатларда, яъни ўтган йилга нисбатан ЯИМнинг **6** фоиздан ортиқроққа кўпайиши кутилмоқда.



Хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасига **13,6 трлн. сўм** йўналтирилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,3** бараборга ошган. Яъни, мазкур соҳага йўналтирилган маблағлар жами бюджетхаражатларининг **13,3** фоизини ташкил этди (*ўтган йилнинг шу даврида 12,2 фоизи*).

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қанча имтиёзлар, жумладан, солиқ ва божхона имтиёзлари тақдим қилинди.

Йил якунига қадар, иқтисодиётдаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашни давом эттириш, иқтисодий фаолликни ошириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ҳисобига бюджет даромадларини ошириш чоралари кўрилади.

2.4. Пул ўтказмалари

2020 йилнинг 9 ойи давомида халқаро пул ўтказмалари орқали республикага келиб тушган валюта маблағлари ҳажми 4,3 млрд. долларни (*ўтган йилнинг шу даврида 4,5 млрд.долл.*) ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,4 фоизга камайган бўлса-да, сентябрь ойининг ўзида пул ўтказмалари миқдори 638 млн. долларга етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8 фоизга ўсиши кузатилди.

III. Ташқи иқтисодий фаолият

Жорий йил январь-сентябрь ойларида ташқи савдо ҳажми **27,5 млрд.** долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,8 млрд. доллар ёки 12 фоизга қисқарди.


Экспорт

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида республиканинг экспорт кўрсаткичи **12,5 млрд.** долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **-6,0 фоизга** камайди.

2020 йил 9 ойда товарлар экспорти (**олтиндан ташқари**) ҳажми **5,2 млрд.** долларни ташкил қилиб, 2019 йилга нисбатан **-22,7 фоизга** қисқариши кузатилди.

Хизматлар экспортининг кескин камайиши жорий йил март ойининг охирларидан бошлаб Ўзбекистонга келувчи сайёҳларнинг камайиши ҳисобига **туризм ҳажмининг (-763 млн. доллар)** ҳамда **ҳаво транспортида йўловчи ташиш ҳажмининг (-239 млн. доллар)** қисқариши билан изоҳланади. Бироқ, **темир йўл транспортида юк ташиш** хизматлари **14,8 фоизга** ўсиши кузатилди.

2020 йилда жаҳонда олтин нархининг кескин кўтарилиши натижасида ҳисобот даврида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,8 млрд. доллар** қўшимча валюта тушумини таъминлашга ёрдам берди.



Жорий йилнинг сентябрь ойида август ойига нисбатан фойдаланиш мақсадига қараб **хизматлар экспорти 48,1 млн. долларга** жонланган, жумладан истеъмол маҳсулотлари ҳажми **+8,5 млн.долл.**га ошганлиги, хомашё **-3,5 млн.долл.**, оралиқ истемол маҳсулотлари **-4,1 млн.долл.** ва табиий газ **-3,4 млн.долларга** камайганлиги кузатилди.

IV. 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ва 2021 йилда кутилаётган асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва уларга таъсир этувчи омиллар

4.1. Коронавирус пандемиясининг давомийлиги ва унинг глобал иктисодиётга салбий таъсирининг сақланиб қолиши жорий йил 4 чорагида ва кейинги йиллар учун ҳам мавҳумликни сақлаб қолмоқда. Бу ўз навбатида, асосий иктисодий кўрсаткичларга эришиш бўйича бир қатор мураккабликларга олиб келиши мумкин.

Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, пандемия 2021-2022 йилларда ҳам давом этиб 2022 йилнинг иккинчи ярмида тугаши кутилмоқда. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, пандемия шароитида бўлса ҳам глобал иктисодиёт 2021 йилдан бошлаб қайта тикланишни бошлайди. Бунга асосий сабаблардан бири пандемия бошланиши билан ҳозирги давр солиштирилганда пандемияга қарши курашишда

тиббиёт соҳасининг сезиларли ривожланганлиги ва ушбу соҳа вирусга қарши курашишда амалиётга эга бўлганлиги ҳамда вирусни маълум бир даражада жиловлаб олишга эришилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

4.2. Ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда иқтисодиётимизда ижобий ўсиш кузатилиб, ўсиш даражаси **1,0-1,5%** бўлиши кутилмоқда. Ушбу ўсишга эришиш учун саноат соҳаси ўсиши 1,1-1,6% даражасида, қурилиш – 7,0-8,0%, қишлоқ хўжалиги соҳаси 2,7-3,0%, хизматлар соҳаси - -0,5-0% даражасида бўлиши прогноз қилинмоқда.

Макроиқтисодий сиёсатнинг 2021 йил учун асосий йўналишлари ва мақсадли кўрсаткичлари келгуси йилда ҳам пандемия шароитининг мавжуд бўлиши тахминларидан келиб чиқиб шакллантирилди.

Жумладан:


соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлашга, ижтимоий ҳимоя кўламини босқичма-босқич кенгайтириб боришга;

макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолишга;


фискал рағбатлантириш чораларини мўътадиллаштириб боришга (бюджет тақчиллигини камайтириб боришга) қаратилиши прогноз кўрсаткичларига эришиш учун асосий омил бўлиб хизмат қилади.

2021 йилдан иқтисодий фаолликнинг ошиши билан, иқтисодий ўсиш **5,1%** даражасидан кам бўлмаган миқдорда бўлиши кутилмоқда. Ушбу ўсиш асосан пандемия даврида энг катта зарар кўрган хизматлар соҳасидаги тикланиш ҳисобига – 6,4%, саноат соҳасида янги корхоналарнинг ишга туширилиши муносабати билан – 5,8%, қурилиш соҳасида – 6,5% ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида – 2,7 фоиз ўсиш ҳисобига эришилиши мумкин. **Мазкур ривожланиш кўрсаткичларига ҳар бир соҳада бошлаган таркибий ислохотларни тўғри ва сифатли давом эттириш орқали эришиш мумкин.**

Асосий саноат тармоқлари бўйича ЯИМ ўсишининг прогнози (фоизда)



4.2.1. Жорий йилда қайта ишлаш саноат тармоқларидаги кутилаётган **5,5%** даражасидаги ижобий ўсиш, жами **саноат** маҳсулотларининг **1,1-1,6%** ўсишига олиб келиши кутилмоқда.



Жорий йил якуни бўйича **қайта ишлаш саноатида** ўсиш суръатларининг **5,5 фоизгача** тезлашиши кутилмоқда. Ушбу ўсиш суръатлари озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноатида ўртача 5 фоизга, тўқимачилик 12,7 фоизга, кимё маҳсулотларининг 10 фоизга, қурилиш материалларининг 15 фоизга, металлни қайта ишлаш саноати 7 фоизга ўсиши ҳисобига таъминланади (*ушбу соҳаларнинг умумий саноатдаги улуши 58,4 фоизни ташкил этади*)

Пандемия туфайли жаҳон хом-ашё бозорларидаги салбий тенденция газ, кўмир, нефть ва тоғ-кон саноатидаги бошқа фаолиятларнинг кескин қисқаришига олиб келди ва ушбу соҳада жорий йилдаги пасайиш 26,9%ни ташкил қилиши кутилмоқда. Бироқ, кейинги йиллардаги глобал иқтисодиётдаги ижобий кутилмалар жаҳон бозорлардаги нархларни стабиллишувига ҳамда мамлакатимиздаги 2021 йилда фаолиятини бошлаши кутилаётган йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган жами **276 та** умумий қиймати **3,4 млрд.** доллар бўлган саноат лойиҳаларини ишга тушиши 2021 йил ва айниқса ундан кейинги йиллар учун ишлаб чиқариш базасини кенгайтиришга замин яратади.

2020 йил январь-декабрь ойларида Ишлаб чиқариш саноатида кутилаётган кўрсаткичлар (%да)



Бундан ташқари, 2020 йилда ишга туширилиши режалаштирилаётган **206 та** йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган умумий қиймати **10,6 млрд.** доллар бўлган лойиҳалар ҳисобига 2021 йилда қўшимча **20,6 трлн.** сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши кутилмоқда. Шу билан бирга, пандемия таъсири ва ташқи талабнинг қисқариши ҳисобига ишлаб чиқариш қувватлари пасайган тармоқларда (айниқса ёғочни қайта ишлаш, мебель ишлаб чиқариш, ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш, машина ускуналар ишлаб чиқариш каби тармоқларда мавжуд қувватлардан фойдаланиш 2019 йилга нисбатан ўртача 72-75 фоизгача тушиб кетди), ташқи бозор конъюктурасига мослашган ҳолда маҳсулот экспорти географиясини кенгайтириш, шунингдек экспортни қўллаб қувватлаш ҳамда рағбатлантириш механизмларини кенг қўллаш орқали мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланиш чоралари кўрилади.

Ёқилғи энергетика комплексидаги давлат корхоналарини ислоҳ қилиш, энергетика соҳасига хусусий ва хорижий инвестициялар кириб келиши учун шароит яратиш ҳамда энергия инфратузилмасини модернизация қилиш ҳисобига ҳудудларда энергия таъминотини яхшилаш асосий омил ҳисобланади.


4.2.2. Келгуси даврда қишлоқ хўжалиги соҳасида ижобий ўсиш динамикаларини сақлаб қолиш ҳамда ушбу соҳани ислоҳ қилиш асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Жумладан:

2021 йилда бошлаб паст рентабелли ерларда унумли ва фойдали маҳсулотларни етиштириш, шунингдек оборотдан чиққан 41,5 минг гектар ердан фойдаланишни қайта йўлга қўйиш орқали соҳадаги ўсиш суръатини қўшимча 0,2 фоизга оширишга эришиш (*қишлоқ хўжалигида – пахта етиштиришда қарийб 16,3 минг гектар ерлар 10 центнергача, ва 36,3 минг гектар ерларда 15 центнердан паст ҳосил олинмоқда*);

озиқ-овқат истеъмоли бозорида нарх барқарорлигини таъминлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш;

2021 йилда 350 минг га ва 2022 йилда 500,3 минг га ер майдонларига сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳисобига сув тежамкорлигини ошириш (2021 йилда 946 млн.м³, 2022 йилда 1304 млн.м³).

4.2.3. Пандемиянинг бутун жаҳон бўйлаб тарқалиши ва унга қарши курашиш бўйича қўпланган карантин чора-тадбирлари оқибатида хизматлар соҳаси бутун дунёдаги каби Ўзбекистонда ҳам энг зарар кўрган соҳалардан бири бўлди. Бироқ, ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида йил якунига қадар хизматлар ҳажми ўтган йилги ҳажм атрофида шаклланиши кутилмоқда (-0,5-0,0% ўсиш). Ушбу ижобий ҳолат, пандемия шароитида туризм, яшаш ва овқатланиш билан боғлиқ хизматларнинг кескин тушиб кетишига қарамай алоқа ва ахборотлаштириш ҳамда молиявий хизматларни сезиларли ўсиши ҳисобига сақланиб қолиши кутилмоқда.



2021 йилдан бошлаб пандемия таъсирининг камайиши ва киритилган чекловларнинг босқичма-босқич очилиши ҳамда ушбу соҳадаги давлат корхоналарининг фаолиятини самарали бажаришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида хизматлар соҳасида 6,6% ўсиш даражасида кутилмоқда. Бунда, асосий туртки туризм, яшаш ва овқатланиш соҳасидаги қайта тикланиш ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш хизматларидаги ўсиш бўлиши кутилмоқда.